

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ДУСМУХАМЕДОВА НАРГИЗА НОУФАРБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МУАММОЛАРИ**

**12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Дусмухамедова Наргиза Ноуфарбековна

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг
ривожланиши ва такомиллаштириш муаммолари..... 3

Dusmukhamedova Nargiza Noufarbekovna

Problems of development and improvement of legislation on the rights of
the child in Uzbekistan..... 23

Дусмухамедова Наргиза Ноуфарбековна

Проблемы развития и совершенствования законодательства о правах
ребенка в Узбекистане..... 41

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

List of published scientific works
Список опубликованных научных работ..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

ДУСМУХАМЕДОВА НАРГИЗА НОУФАРБЕКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МУАММОЛАРИ**

**12.00.01. – Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Yu363 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Якубов Шухрат Умматалиевич,
юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Расмий оппонентлар:

Қодиров Эшмуҳаммад Омонтурдиевич,
юридик фанлар доктори, профессор в.б.

Исхакова Лавиза Фуатовна,
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» август куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (975-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» август куни тарқатилди.

(2021 йил «12» августдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р. Хакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

М.А. Ахмедшаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, бола ҳуқуқларига оид нормаларни ривожлантириш ва амалга татбиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, болаларнинг яшаш, таълим олиш, меҳнат ҳуқуқларини таъминлашдаги мавжуд муаммолар хорижий давлатлар томонидан алоҳида ўрганилиб, уларни бартараф қилиш юзасидан турли чоралар кўрилмоқда. Ҳозирда дунёда 1,8 миллиард болалар мавжуд бўлгани ҳолда, 6-14 ёшдаги болалар ва ўсмирларнинг деярли ярми (50 %) таълим муассасаларига боришларига қарамасдан ўқиш ва ёзишни билишмайди¹. Дунё бўйлаб ёшлар катталарга қараганда уч баробар кўпроқ ишсиз, яъни 71 миллионга яқин ёшлар иш қидирмоқда. 263 миллион болалар ва ёшлар мактаб таълимидан маҳрум. Бу эса уларда билим ва зарур малака етишмаслигига, натижада меҳнат бозорига ўтишларини қийинлаштиради².

Жаҳонда бола ҳуқуқларига оид халқаро ва миллий даражадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу масалада давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш борасида илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси, шунингдек, болаларнинг қуролли можаролардаги иштирокини бартараф қилиш масалалари бўйича мавжуд ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларига оид қонунчиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш каби вазифалар назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қайд этганларидек, «...болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда³».

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикаимизда бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни замон талаблари асосида такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи, аввало, мукаммал, ижро механизмлари тўлиқ шаклланган, жамиятда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга таъсир кўрсата оладиган қонунларга асосланиши керак.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг «Бола

¹ Международный день молодежи. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари // илмий-маърифий журнал. – 2020, – № 3. – Тошкент, – Б.19.

² Ришард Коенда. Ёшлар ҳуқуқлари – БМТ кун тартибида. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари // илмий-маърифий журнал. – 2020, – № 3. – Тошкент, – Б.19.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарори. <http://www.lex.uz>.

ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6012-сон Фармони, 2019 йил 22 апрелдаги «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4296-сон, 2020 йил 29 майдаги «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4736-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бола ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг назарий ва амалий жиҳатлари, унинг ривожланиши, илмий талқини ва таҳлилининг айрим жиҳатлари бир қатор олимларимиз томонидан ўрганилган. Хусусан, бола ҳуқуқларининг келиб чиқиши, ривожланиши, бола ҳуқуқларини оила, таълим муассасалари, маҳаллаларда ҳимоя қилишнинг айрим *ҳуқуқий* жиҳатлари мамлакатимизнинг етук ҳуқуқшунос олимлари А.А.Азизхўжаев, М.А.Аҳмедшаева, А.Акилов, З.Исломов, Б.Исмоилов, О.Каримова, Ф.Муҳитдинова, А.Р.Мўминов, М.К.Нажимов, Х.Т.Одилқориев, Б.Х.Пўлатов, Ф.Х.Раҳимов, А.Раҳмонов, М.Ҳ.Рустамбоев, А.Х.Саидов, Т.А.Умаров, Э.О.Қодиров, Р.Ҳақимов, О.Т.Ҳусанов, Д.Каримова¹лар томонидан ўрганилган.

Бола ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг *тарихий-педагогик* жиҳатлари Д.Каримова, Р.Ш.Аҳлиддинов, О.Сафаров, М.Маҳмудов, В.М.Каримова, О.Мусурмоновалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ш.К.Ганибаева томонидан халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан тадқиқот иши амалга оширилган бўлса, бола ҳуқуқларини халқаро механизмлар орқали ҳимоя қилиш муаммолари ва халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари А.Х.Саидов, Ф.Х.Бакаева, Л.Ф.Исхакова, Р.Т.Ҳақимов, Г.М.Гансиқбаева ва М.А.Тиллабаевнинг илмий тадқиқотларидан ҳам кенг ўрин эгаллаган. Шунингдек, ювенал юстиция масалалари Ғ.Абдумажидов, М.А.Хамидова, Б.Исмаилов ва М.Раҳимова²лар томонидан монографик тарзда тадқиқ этилган.

Бола ҳуқуқларини жиноят ҳуқуқи фани билан боғлиқ жиҳатлари Х.У.Шодиев, Н.Т.Исмоилов, А.Ирсалиев, фуқаролик ҳуқуқи фанига оид томонлари З.Н.Эсанова томонидан, оила ҳуқуқига доир жиҳатлари

¹ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Г.С.Инамджанова¹ томонидан таҳлил этилганини таъкидлаш ўринли.

Бола ҳуқуқлари, уни таъминлаш ва ривожлантиришга доир муаммолар бир қатор хорижлик олимлар В.И.Абрамов, Б.О.Викторова, С.А.Кобилова, Е.А.Леонтьева, Э.Б.Мельникова, И.А.Дубровская, И.К.Городецкая, Ю.А.Дмитриев, Georges Rouhette, Rouhette-Berton² ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Бироқ юқорида келтирилган тадқиқотлар таҳлили бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний асосларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида комплекс тадқиқот иши сифатида алоҳида ўрганилмаганидан далолат беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ва «Давлат ва жамият қурилиши тизимини ислоҳ қилишда қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» илмий-тадқиқот иши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бола ҳуқуқларининг тушунчаси, моҳияти ва ижтимоий аҳамияти ҳамда унинг методологик асосларини тадқиқ этиш;

мамлакатимиз худудида бола ҳуқуқларига оид ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчиликнинг вужудга келиши, ривожланиши, бугунги ҳолати ҳамда истиқболларини тизимли таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш;

мамлакатимизда болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

ювенал юстиция масаласини илмий-назарий таҳлил қилиш ва унинг истиқболлари юзасидан фикрларни тизимлаштириш;

болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш тизимидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар дастури ҳақида таклифлар яратиш;

мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни, унинг ижросини таъминлаш механизминини янада такомиллаштиришга оид хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши, уни амалга татбиқ этиш билан боғлиқ муаммолар, бола ҳуқуқларига оид турли ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бола ҳуқуқларига оид қонунчилик, бола

¹ Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Мазкур илмий ишларнинг тўлиқ номи фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришга оид илмий қарашлар ҳамда концептуал ғояларни ўзида акс эттирган адабиётлар, мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг диалектик, таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, тизимли-тузилмавий, сўровнома, формал-юримдик каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бола ҳуқуқлари тушунчаси замонавий ёндашувлар асосида таҳлил этилган ва методологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этган ҳолда муаллифлик таърифи шакллантирилган;

боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи кафолатлари бўйича ҳуқуқий нормани қонунга киритиш зарурати асосланган;

маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан узоқ муддатли учрашиш ҳуқуқини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий нормани Жиноят-ижроия кодексига киритиш зарурати илмий асослаб берилган;

маҳкума аёлларнинг уч ёшга тўлмаган болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтида улар билан чекланмаган миқдорда мулоқотда бўлишга ҳуқуқ берувчи нормани қонунга киритиш зарурати илмий асослаб берилган;

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) фаолиятини қонун асосида ҳуқуқий тартибга солиш зарурати илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик ва ДХХ органлари ваколатига тегишли жиноятларнинг умумий-ҳуқуқий тавсифи» номли дарслик матнига муаллифлик таърифи киритилган. Ушбу таъриф ўқув жараёнига жорий қилинган.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига давлат боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шакллари билан, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишини амалга оширади мазмунидаги норма киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 130-моддасининг иккинчи қисмига «Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичида тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонияда сақланаётганларга эса, ишдан бўш вақтда муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади» мазмунидаги янги норма киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 132-моддасининг иккинчи қисмига «Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтида улар билан чекланмаган миқдорда мулоқотда бўлишга ҳақли» мазмунидаги янги норма киритилган.

Республикамизда энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш қонунлар орқали амалга оширилиши, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб, Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича янги институт ҳисобланган Болалар омбудсманини айнан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашга масъул бўлган нуфузли давлат ташкилотига айлантириш мақсадида – «Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари асосида умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг фаолият самарадорлигини баҳолаш юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», «Конституциявий ҳуқуқ», «Оила ҳуқуқи», «Бола ҳуқуқлари» каби фанларни ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бола ҳуқуқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек, Олий таълим ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган ўқув жараёнлари, семинар ва тренингларда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

бола ҳуқуқлари тушунчаси замонавий ёндашувлар асосида таҳлил этилган ва методологик жиҳатдан чуқур тадқиқ этган ҳолда *“бола ҳуқуқлари – бу инсон ҳуқуқларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб, инсоннинг ўн саккиз ёшгача бўлган даврида фойдаланадиган хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндисидир”* дея диссертация доирасида шакллантирилган муаллифлик таърифи «Жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик ва ДХХ органлари ваколатига тегишли жиноятларнинг умумий-ҳуқуқий тавсифи» номли дарсликни ишлаб чиқишда инобатга олинган. (Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Хизмати Академиясининг 2021 йил 14 июльдаги №28/5967-сонли далолатномаси). Ушбу таъриф бола ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни оширишда, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этишда хизмат қилган.

давлат томонидан боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини,

хат-хабарлари сир тутилишини таъминланишига, болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларида, шу жумладан, жисмоний, рухий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишига оид таклифлар «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-моддасига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2019 йил 27 декабрдаги №05/1-07-301-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш бола ҳуқуқларини таъминлашга оид давлатнинг мажбуриятларини қонунда аниқ белгиланишига хизмат қилган;

маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичида тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонияда сақланаётганларга эса, ишдан бўш вақтда муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилиши зарурлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 130-моддасининг иккинчи қисмига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил 10 августдаги №33-сонли далолатномаси). Ушбу қонуннинг қонунга киритилиши онаси жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган болаларга улар билан кўпроқ учрашиш, муайян муддат бирга яшаш имкониятини яратишга хизмат қилган;

маҳкума аёлларнинг уч ёшга тўлмаган болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтида улар билан чекланмаган миқдорда мулоқотда бўлишга ҳақлилиги, уни қонун акс эттириш зарурлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 132-моддасининг иккинчи қисмига киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2020 йил 10 августдаги №33-сонли далолатномаси). Ушбу қонуннинг қонунга киритилиши онаси жазони ижро этиш муассасасида сақланаётган болаларга ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, уларнинг жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштирилишига ва ўз онаси билан кўпроқ мулоқотда бўлишига хизмат қилган;

Бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича янги институт ҳисобланган Болалар омбудсмани фаолиятини қонун асосида ҳуқуқий тартибга солишга оид таклифларидан «Ўзбекистон Республикаси Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) ўринбосари, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 2021 йил 2 мартдаги №02-07/140-сон маълумотномаси). Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятини қонун даражасида ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та илмий анжуманда, жумладан, 6 та халқаро, 13 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, илмий-назарий семинар ҳамда давра

сухбатларида синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 35 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 16 та (3 та хорижий журналларда) ва тўпламлар таркибида 19 та илмий мақолалар chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Тадқиқот доирасида 400 дан ортиқ фуқаролар иштирокида икки марта (2013 йилда анъанавий усулда ва 2020 йилда ижтимоий тармоқлар орқали) социологик сўровлар ўтказилган. Сўров орқали, тадқиқот иши давомидаги айрим баҳс-мунозарали масалаларда муайян хулосага келиш, шунингдек, илмий изланишлар якуни бўйича яратилган ғоялар юзасидан жамоатчилик вакиллариининг муносабати ўрганилган. Аҳамиятли жиҳати, мазкур социологик тадқиқотга бола ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган давлат ва нодавлат ноtijjорат ташкилотлари вакиллари кенг жалб этилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Бола ҳуқуқлари ҳимоясининг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланиб, учта параграфдан иборат. Биринчи параграф «Бола ҳуқуқлари тушунчаси ва ижтимоий табиати»га бағишланган. Унда «бола», «вояга етмаган», «бола ҳуқуқлари» тушунчалари чуқур таҳлил этилган, методологик асослари тадқиқ этилган ҳамда уларнинг илмий-назарий асослари ёритиб берилган.

Халқаро ва миллий қонун ҳужжатлари асосида «бола» ва «вояга етмаган» тушунчалари нисбати таҳлил этилади. Профессор О.Каримова, Д.Каримова, Ш.Ганибаева ҳамда В.Абрамов, Т.Осипова, В.Почивалова, А.Мўминов, М.Тиллабаевларнинг юқорида қайд этилган тушунчалар юзасидан билдирган фикрлари таҳлил этилган.

Тадқиқот давомида ўтказилган сўровларда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, «бола» тушунчаси юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида «Сиз «бола» деганда кимни тушунасиз?» деган саволга респондентларнинг 33 % «12 ёшгача бўлган ёшларни», 15 % «15 ёшгача бўлган инсонинг ёшлик даврини», 41 % «18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни» деб жавоб берган бўлса, сўровда иштирок этганларнинг 11 % «бола» тушунчаси

бўйича ўзларининг мустақил фикрларини билдирганлар. Тадқиқот натижаларига кўра, кўпчилик бола деганда айнан инсоннинг 18 ёшгача бўлган даврини тушуниши маълум бўлди.

Юридик адабиётларда, шунингдек, халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларда «бола» тушунчаси билан бирга «вояга етмаган болалар» тушунчаси ҳам кенг қўлланилади. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган «Пекин қоидалари»да қуйидаги таъриф келади: «вояга етмаган деб ҳуқуқбузарлик учун мавжуд ҳуқуқий тизим доирасида катта ёшдагилар тортиладиган жавобгарлик шаклидан фарқ қиладиган шаклдаги жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган бола ёки ёшга айтилади»¹. Мазкур таърифда муайян, аниқ ёш кўрсатилмаганлиги сабабли «вояга етмаган бола» атамаси мавҳумроқ. Бу нуқтаи назардан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда келтирилган тушунча энг аниқдир.

«Бола» ҳамда «вояга етмаган» тушунчалари масаласида Конвенцияда «бола» тушунчасига таъриф берилганлиги сабабли ҳуқуқий адабиётларда қонунчиликдан «вояга етмаган» атамасини чиқариб ташлаб, унинг ўрнига «бола» атамасини қўллаш масаласи мутахассислар томонидан илгари сурилмоқда. Шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларида «вояга етмаган жиноятчилар» каби изоҳлар бўлмаслиги кераклиги тўғрисида фикр билдирилмоқда. Улар ўрнига «вояга етмаганларга нисбатан судлов» ва «жиноий судлов тизимида болалар» атамаларини киритиш таклиф этилмоқда. Бу атамалар устуворлиги шундаки, улар нейтрал характерга эга бўлиб, таҳқиромуз кўринишга эга эмас². Диссертант фикрича, «бола» атамаси билан «вояга етмаган» тушунчаси бирхиллаштирилиши мақсадга мувофиқ. Бунда «бола» атамасига нисбатан «вояга етмаган» атамаси изоҳ, таъриф сифатида қабул қилиниши керак, деган хулосага келинган. Бола деганда инсон ҳаётининг 18 ёшгача бўлган, тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган даврини тушуниш кераклиги қайд этилади.

Олиб борилган изланишларга асосланиб, тадқиқотчи томонидан бола ҳуқуқларига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: бола ҳуқуқлари – бу инсон ҳуқуқларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб, инсоннинг ўн саккиз ёшгача бўлган даврида фойдаланадиган хулқ-атвор қоидаларининг йиғиндисидир.

Шунингдек, ушбу параграфда бола ҳуқуқларини алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўла оладими, деган масала юзасидан илмий таҳлиллар амалга оширилган.

Ушбу баҳсли масалага жавоб топиш мақсадида респондентларга «Сизнингча, бола ҳуқуқлари ҳуқуқ тизимида қандай ўринга эга?» деган савол билан мурожаат қилинганда, сўровда иштирок этганларнинг 44 % «Бола ҳуқуқларини алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида баҳолаш мумкин», 25 % «Бола ҳуқуқларини мураккаб ҳуқуқ институти сифатида баҳолаш мумкин», 21 %

¹ БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган «Пекин қоидалари». -2.2-модда.

² Международный обзор уголовной политики №49-50. 1998-1999 гг. ООН и преступность среди несовершеннолетних: Руководство по международным стандартам и наилучшим видам практики. ООН. Нью-Йорк, 1999 год. –С.11.

«Бола ҳуқуқларини тармоқлараро ҳуқуқ институти сифатида баҳолаш мумкин» дея жавоб берган бўлсалар, сўралганларнинг 10% бошқача мазмундаги ўз мустақил фикрларини билдирганлар.

Диссертант фикрича, бугунги кунда қонунчилик ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, бола ҳуқуқлари соҳасини ҳуқуқ тизимининг таркибий элементларидан бири, айтилишида мажмуавий ҳуқуқ соҳаси деб баҳолаш мақсадга мувофиқ. Бола ҳуқуқлари билан боғлиқ амалдаги ижтимоий муносабатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда бола ҳуқуқларига назарий жиҳатдан миллий ҳуқуқий тизимимизнинг мураккаб ҳуқуқ институти сифатида ёндашилса-да, алоҳида мажмуавий ҳуқуқ соҳаси сифатида тадқиқ қилиш зарурати ўзининг алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш методига эга бўлган бу соҳадаги мустақил ижтимоий муносабатларнинг объектив шаклланиши, мазкур ғоянинг мавжудлиги ҳамда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланиши билан асосланган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи «**Ўзбекистон тарихий-ҳуқуқий манбаларида бола ҳуқуқларига оид нормаларнинг акс эттирилиши**»га бағишланган бўлиб, унда бола ҳуқуқлари, бола ҳуқуқларини ҳимоясининг қонуний асослари шаклланишининг тарихий жиҳатлари илмий таҳлил этилган.

Диссертант томонидан бола ҳуқуқларига оид тарихий-ҳуқуқий манбалар қуйидаги тўрт даврга бўлиб ўрганилган:

- энг қадимги тарихий-ҳуқуқий манбалар;
- ўрта асрларга оид тарихий-ҳуқуқий манбалар;
- бола ҳуқуқлари қайд этилган илк халқаро ҳуқуқий манбалар;
- мустақил Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид қонунчилик.

«Авесто», «Қуръони Карим», «Ҳидоя», «Жомий аҳком ас-сиғор», «Қутадғу билиг», «Тиб қонунлари», «Фозил одамлар шахри», «Қобуснонома» каби манбалардаги бола ҳуқуқларига оид нормалар, қарашлар, фикр ва мулоҳазалар таҳлил этилган. Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини халқаро ҳимоя қилиш механизmlарининг тарихий ривожланиши ўрганилган.

«**Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ҳимояси борасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари**» деб номланган биринчи бобнинг учинчи параграфиди Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар асосида бола ҳуқуқлари ҳимояси, унинг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал механизmlарнинг шакллантириш масалалари таҳлил этилган.

Айниқса, юртимизда 2017 йилдан буён олиб борилаётган ислохотлар – Янги Ўзбекистон шароитида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган қонунларда мустақамланган Ўзбекистонда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва бу борада А.Х.Саидов, Б.Исмоилов, Т.А.Умаров, Д.Каримова, Ш.Ганибаева, А.Рахмонов, М.Асрақулов ҳамда И.В.Понкин, А.А.Понкина, В.В.Еремин, М.Н.Кузнецов каби олимларнинг назарий ғоялари тадқиқ этилган, уларнинг амалий ижроси бўйича аниқ статистик маълумотлар асосида таҳлиллар амалга оширилган. Бола ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда оила муҳитининг устуворлиги ёритилган. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга доир Джон Холт, Ричард Фарсон, М.Фриманнинг илмий-назарий концепциялари таҳлил этилган. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

ва таъминлашнинг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилган вазифалар белгилаб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ташкилий-ҳуқуқий асослар таҳлили: миллий ва хорижий тажриба»** деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асосларининг ривожланиши, бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчилик ривожланишининг асосий йўналишлари ҳамда бола ҳуқуқлари ҳимоясига оид ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ёритиб берилган.

Ушбу бобнинг **«Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асосларининг ривожланиши»** деб номланган **биринчи параграфида** тадқиқотчи томонидан бола ҳуқуқлари ҳимояси билан бевосита шуғулланадиган давлат органлари фаолияти, уларнинг қонунлар ижросини таъминлашдаги иштироки ва бошқа муҳим масалалар тадқиқ этилган. Хусусан, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузганлик учун судлар томонидан бола ҳуқуқларини кўрилиши билан боғлиқ ишларда жавобгарлик чораларини қўллаш орқали болалар ҳуқуқлари ҳимоясини амалга оширишнинг қонуний асослари, прокуратура органлари ва ички ишлар органларининг вояга етмаганлар билан ишлашдаги энг муҳим йўналишлар, уларнинг функционал вазифалари, олиб борилаётган чоралар амалий мисоллар билан таҳлил қилинган. Ўзбекистонда жорий қилинган Янги институт - Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ёритилган.

«Ўзбекистон қонунчилигида бола ҳуқуқларига оид нормаларнинг ривожланиш босқичлари» деб номланган **иккинчи бобнинг иккинчи параграфида** миллий қонунчиликда болалар ҳуқуқига оид нормаларнинг акс этиши, уларнинг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган.

Диссертант бола ҳуқуқларига оид Ўзбекистондаги қонунчиликнинг ривожланишини қуйидаги тўртта босқичга ажратиб таҳлил қилади:

Биринчи босқич – 1990-1995 йиллар. Қонунчилик шаклланишининг дастлабки босқичи. Мустақиллик асослари, Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи босқич – 1996 - 2005 йиллар. Миллий қонунчилик тизимининг асоси яратилган давр. 500 дан ортиқ қонунлар, 15 дан ортиқ кодекслар қабул қилинган бу босқичда бола ҳуқуқларига оид нормалар миллий қонунчиликда акс эттирилгани ва тизимли ривожланиб боргани билан изоҳланади.

Учинчи босқичда – 2007-2016 йиллар. Бола ҳуқуқларига оид махсус қонун – «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган давр. Бу босқич махсус қонун қабул қилингани, ижрога йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Тўртинчи босқич – 2016 йилдан ҳозирги қадар. Бу давр Янги Ўзбекистон шиори остида олиб борилаётган шиддатли ислохотлар билан боғлиқ бўлиб, бу давр бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусан, уларнинг мажбурий меҳнатига

чек қўйиш, қонунларга жиддий ўзгартиришлар киритиш, Болалар омбудсмани каби тузилмаларни ташкил этилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, ушбу параграфда Республикамизда бола ҳуқуқларига оид нормаларни таҳлил этишда болалар меҳнатига оид нормалар, таълим-тарбияга оид қоидалар ҳамда бошқа ҳуқуқлар қайд этилган нормалар алоҳида гуруҳлаштирилган.

Иккинчи бобнинг **учинчи параграфи «Хорижий мамлакатлар бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили»**га бағишланган. Унда қайд этилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1989 йил 20 ноябрда Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциянинг қабул қилиниши БМТга аъзо бўлган 193 та давлат қонунчилигида бола ҳуқуқларига оид масалаларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилди. Шундан келиб чиққан ҳолда бир қатор хорижий мамлакатларда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» ёки «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» айрим қонунлар қабул қилинди. Бундай тажриба бола ҳуқуқларини алоҳида норматив ҳужжат тарзида кодификациялаш намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Диссертант АҚШ, Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Жанубий Африка республикаси мисолида бола ҳуқуқларига оид қонунчилик ва институционал тузилмалар фаолиятини таҳлил қилган. Хусусан, кўпгина хорижий мамлакатларда Бола омбудсманлари фаолияти махсус қонунлар билан тартибга солиниши асослаб берилган. Масалан, Польшада – «Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман тўғрисида»ги Қонун 2000 йил 6 январда; Ирландияда – «Болалар учун омбудсман тўғрисида»ги Қонун 2002 йилда; Францияда – «Болалар ҳимоячиси тўғрисида»ги Қонун 2000 йил 6 мартда; Швецияда – «Болалар омбудсмани тўғрисида»ги Ҳужжат 1993 йил 1 июлда; Литвада – «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича назоратчи тўғрисида»ги Қонун 2000 йил 25 майда қабул қилинган¹.

Шунингдек, ушбу параграфда ювенал юстицияга оид хорижий тажриба ҳақида ҳам фикрлар билдирилган. Диссертант қайд этишича, «Бугунги кунда болалар ҳуқуқлари ҳимояси ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларида дунё ҳамжамятида яна бир муҳим институционал бўғин ривожланмоқда. Ювенал юстиция атамаси билан фанга киритилган мазкур орган ҳозирда бир қатор ривожланган давлатларда фаолият юритмоқда. 1899 йилда АҚШнинг Иллинойс штатида илк бор вояга етмаганлар ишлари учун алоҳида жиной оидил судлов тизими жорий этилди. Кейинчалик бу амалиёт бутун мамлакат ва дунё бўйлаб кенг тарқалди. Жумладан, Буюк Британия (1908 йил), Франция ва Белгия (1921 йил), Испания (1918 йил), Голландия (1921 йил), Германия (1922 йил) ва Австрияда (1923 йил) қўлланила бошлади. Ушбу мамлакатларда судлар вояга етмаганлар ишларини ҳар доим бошқача шароитларда (масалан, ёпиқ мажлисларда) кўриб чиқади ва болаларга катталарга нисбатан енгилроқ жазо чораларини қўллади². Баъзи мамлакатларнинг барча даражалардаги судларида ювенал судья лавозими

¹ Рашидова С.Ш. Дунё омбудсманлари. –Т.: 2006. –Б. 231.

² Судебная власть / Под. ред. проф. Петрухина И. Л. – М., 2003; Мельникова Э.Б. Ювенальная юстиция. – М., 1999.

жорий этилган бўлиб, унга мутахассис психолог, педагог ёки педиатрлар, ҳатто, юридик маълумотга эга бўлмаса-да, болалар билан муомала қилиш тажрибасига эга шахслар тайинландилар¹. Бунинг сабаби – болаларнинг ёш хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, уларга нисбатан эҳтиёткор тарбиявий чораларни қўллашга бўлган интилиш бўлди. «Болалар суди» ғояси ва уни яратиш амалиёти шу қадар муҳим бўлдики, бу каби судлар дунёнинг кўплаб мамлакатларида юзага кела бошлади.

Тадқиқотчи томонидан ювенал юстиция масаласида Ғ.А.Абдумажидов, Ф.Ҳ.Бакаева, Г.М.Тансиқбоева, Э.А.Қодиров, Д.Р.Каримова, Ф.Мирўктамова ҳамда Э.Б.Мельникова, И. Л. Петрухина каби олимларнинг фикрлари тадқиқ қилинган ҳолда, республикамизда алоҳида ювенал судларни ташкил қилиш ҳақида хулосага келинган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари**» деб номланган учинчи боби биринчи параграфи «**Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорлиги**»га бағишланган бўлиб, унда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий, назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилган, бу борада бир қатор камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг фикрлари алоҳида баён этилган: «...давлат бошқаруви органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини ўзаро ҳамкорликда амалга оширишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилмаган»².

Бугунги кунда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро муносабат ва ўзаро ҳамкорлик кенг ривожланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтган ўзбек олимаси М.Ахмедшаева, бундай ҳамкорликда давлатнинг ижтимоий роли кучайиб бораётганлиги, у жамиятнинг ижтимоий ҳимояланмаган қатламлари ҳақида ғамхўрлик қилишини, ушбу мақсадларда давлат билан фуқаролик жамиятининг вазифа ва функциялари бир-бири билан боғлиқ бўлиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиб ўтган³.

Соҳа олимларидан Ш.Якубов давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигини мамлакат аҳолиси ҳамда давлат ҳокимияти ўртасидаги асосий боғловчи восита эканлигини қайд этиб ўтган⁴.

Тадқиқотчи томонидан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда давлат органлари ҳамда нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим ҳуқуқий асослари атрофлича ёритиб берилган.

¹ Абдумажидов Ғ.А., Бакаева Ф.Ҳ., Тансиқбоева Г.М. Бола ҳуқуқлари: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т., 2008. – Б. 191.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012 Фармони. <http://www.lex.uz>.

³ Ахмедшаева М.А. Давлат ва ҳуқуқ ривожининг ҳозирги замон тенденциялари / Масъул муҳаррир: З.М.Исломов. –Т., ТДЮУ, 2016. –Б. 67.

⁴ Якубов Ш.У. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш / юридик фанлари доктори диссертацияси афтореферати. – Т. 2018. – Б.5.

Бугунги кунда ногиронлиги бор болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мослаштириш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириб келаётган «Zamin» халқаро жамоат фонди, «Инклюзив жамият» каби бир қатор болалар ташкилотлари фаолияти таҳлил қилинган. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «**Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиш ва саховатпеша ҳамюртларимизнинг ушбу хайрли ишга муносиб ҳисса қўшиши**»¹ ташаббусининг муҳимлиги таъкидланган.

Учинчи бобнинг «**Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари**» деб номланган иккинчи параграфида бола ҳуқуқларига оид қонунчилик ва унинг ижросини таъминлаш соҳасидаги муаммолар тизимли таҳлил этилган.

Муаммоларни ўрганиш жараёнида ҳам жамоатчилик фикрига таянилган. Хусусан, анкета сўрови доирасида «Ўзбекистонда бола ҳуқуқларининг норматив асосларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар Сизни қониқтирадими?» дея берилган саволга респондентларнинг 38 фоизи – «Ҳа, албатта», 18 фоизи – «Йўқ, етарли даражада эмас», 37 фоизи – «Ҳуқуқий асослар етарли даражада, лекин уларнинг амалий ижроси талаб даражасида эмас» дея жавоб берган бўлса, сўралганларининг 7 фоизи бошқача тарзда ўз фикрларини билдирган. Бу рақамлар бола ҳуқуқларига оид давлат сиёсатини фуқаролар томонидан фаол қўллаб-қувватланаётганлигини англатади.

Шунингдек, диссертант томонидан қуйидаги муаммоли ҳолатлар алоҳида тадқиқ этилган:

болалар орасида ҳуқуқбузарлик йўлига кириб қолган болалар масаласида уларни жамиятга мослашиш, қайта тарбиялашни назарда тутувчи механизмларнинг жорий этилмагани, ушбу масалада ювенал юстициянинг илғор хорижий тажрибалари татбиқ қилинмаганлиги;

болаларга оилада таълим-тарбия беришда қўлланилиши тақиқланган масалалар қонунда белгилаб қўйилган бўлса-да, тарбия методлари ишонтириш, ҳурмат қилиш, тушунтириш, насиҳат бериш, ибрат-намуна бўлиш, рағбатлантириш каби услубларга асосланиши зарурлиги қайд этилмаганлиги;

республикамизда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия ҳам, ҳокимиятлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши, жамоатчилик асосида муайян вазифанинг юклатилиши бундай мажбурият юклатилган шахснинг зиммасига муайян турдаги жавобгарликни юклаш учун асос бўла олмаслиги;

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари масъул ходимларига ўз мажбуриятини бажармаётган ота-оналарни, ҳуқуқлари паймол этилаётган болаларни аниқлаш бўйича вазифалар юклатилмаганлиги;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмаганлиги;

ЮНИСЕФ таҳлиliga кўра, болаларни нафақалар билан қамраб олиш даражасининг пастлиги, 2 ёшгача бўлган болани парваришлаш учун нафақа олувчилар сони 2009 йилдан бошлаб 60% га камайгани, 2 ёшдан 14 ёшгача

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 30 декабрь.

болалари бор оилаларга тўланадиган нафақалар вақт ўтиб қисқаргани, эндиликда атиги 10% гина болаларни қамраб олаётгани¹;

Ўзбекистонда сўнгги 3 йилда жами 114 нафар бола чақалоқ савдосидан жабрланган бўлиб, уларнинг деярли 89 фоизи – 1 ёшгача бўлган болалар ташкил этаётганлиги, 2018 йилда одам савдоси жиноятлари ичида чақалоқ савдосининг улуши 38 фоизни, 2019 йилда 44 фоизни ташкил этгани, 2017-2020 йиллардаги ҳолатлар таҳлилига кўра, ўз чақалоғини сотган аёлларнинг 31 фоизи оғир ижтимоий аҳволда эканлиги сабабли, 17 фоизи ҳомилани яшириш, 52 фоизи эса моддий манфаат топиш мақсадида ушбу жиноятларни содир этгани² қайд этилади.

Жаҳон координаторлари тизимида 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни мактабгача таълим тизими билан қамраб олиш даражаси Ўзбекистонда нисбатан пастлигича қолмоқда. 10 та МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон Республикаси мактабгача ёшдаги болаларни қамраб олиш даражаси бўйича 52 фоиз билан 6-ўринни эгаллаб турибди³. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак»⁴.

ЮНИСЕФ таҳлилига кўра, 2018 йилда 142 000 нафар болалар мактабга қатнамаган ва уларнинг 60 % ни қиз болалар ташкил қилади. Мактабга қатнамайдиган болалар улуши мамлакатдаги ўртача кўрсаткичларга нисбатан (3%) каттароқ бўлган вилоятлар: Қорақалпоғистон Республикаси (7,5%), Сирдарё вилояти (4,5%), Самарқанд вилояти (4,4%), Бухоро вилояти (4,3%) ва Тошкент вилояти (4,2%).

2018 йилда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг энг катта улуши 7 ёшдан 17 ёшгача тўғри келади. Бундай болаларнинг улуши мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қаторига: Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси кирган.

Бола ҳуқуқларига оид қонунчилик ва унинг ижросини таъминлаш соҳасидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш заруратидан келиб чиқиб, ўнта истиқболли йўналишлар бўйича мулоҳазалар билдирилган.

